



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 28 май № 112-113 (3387-3388)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида

Ислол оламнинг беазир намоёниси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафаккур хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан хиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи гоёлларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига синдириш ҳамда буюк алломалар ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Қайд этилсинки, ушбу Марказ таърифи Баҳоуддин Гиждувоний ёдгорлик мажмуаси ҳам киритилади.

2. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифаларини эътиборга олиб, белгиланган маълумот учун қабул қилинсин: — ноёб меъморий иншоот ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдуҳолик Гиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш;

3. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шоғирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асарларида тарғиб этилган асосларнинг ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби азалий қадриятларини халқимизга етказиш;


4. Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банкнинг Бухоро вилоят бўлимида очилдиغان ҳисоб рақами Ўзбекистондаги юридик ва jisмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва хорижий фуқароларнинг хайрия маблағлари учун очик экани қайта тасдиқлансин.

5. Бухоро вилояти Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2004 йил 27 май.

6. Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги қурдошларимиз ва хорижий меҳмонларнинг Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда Марказга ҳар томонлама қўмақлашсинлар.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлигига республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шоғирдлари маънавий меросининг аҳамияти ва моҳиятини очиб бериш, бу улғу зотларнинг ҳаётини ўрганиш, номларини улғулаш, эзгу ўғитларини тарғиб қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларни янада кенгроқ ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов ва Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.



Яқин йиллар ичида Турақўрғонда "Асиах" тамғаси билан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланади.

Ўзбек-турк қўшма корхонаси ҳисобланган "Асиах"да ҳар ойда жаҳон андозаларига мос келадиган, арзон ва сифатли 210 тонна трикотаж материаллари тўқилади. Маҳсулотнинг асосий қисми Туркия давлатига жўнатилади. Корхонада ишини уч сменада ташкил этилиб, ишчилар учун зарур иш шароитларининг яратилганлиги меҳнат унвондорлиги ва маҳсулот сифатининг ошишига ўз тавсирини кўрсатмоқда.

Айни кунларда корхона мутасаддилари тикувчилик цехи ташкил этиш ҳара-

катида юришибди. Цех ишга тушса, бу ерда "Асиах" тамғаси билан трикотаж кийим-бошлар тикла бошланади. Қолаверса, 400 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш ўринлари билан таъминланади. "Асиах" маҳсулотларининг жаҳон бозорига ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиши эса нафақат корхонанинг иқтисодий салоҳиятини оширади, балки ишчиларнинг моддий фаровонлигининг ошишига ҳам хизмат қилади.

СУРАТДА: қўшма корхонанинг тўқув цехи бошлиғи, туркиялик Саломиддин Дилбар ва илгор ишчи Аҳмадхон Юсупов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Олий Мажлисда

Халқаро андозаларга мос

Сайловлар ҳар қандай мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришда муҳим ўрин тутаети. Шу боис республикамизда ҳам мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос миллий сайлов қонунчилиги яратилди. Эндиликда уни тушунтириш ва тарғиб қилиш зарурати туғилмоқда. Шу муносабат билан кеча парламентимизнинг мажлислар залида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро сайлов стандартлари мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов, ЎХТнинг Тошкентдаги маркази, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакилларининг маърузалари тингланди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳамда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги янги қонунлари хусусида атрафлича фикр алмашилди.

Анжуманда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг кенг оммага тушунтириш ва тарғиб қилиш учун мамлакатимиз аҳолиси, сиёсий партиялар, барча даражадаги депутатларнинг фаол иштироки зарурлиги алоҳида ўқтириб ўтилди.

Абдуноби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қонунчиликни такомиллаштириш йўлида

Кеча Олий Мажлисининг Иқтисодий ва ишлов қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасида Ўзбекистон Республикасида қимматли қозғалар бозори тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш мавзусида «Давра суҳбати» бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси М. Умаралиев бошқарди.

Қимматли қозғалар бозорига оид қонунчиликнинг ҳозирги ҳолати ва уни янада такомиллаштиришга бағишланган ушбу тадбирда Олий Мажлис депутатлари, Иқтисодий, Молия, Адилия вазирликлари, Давлат мулки қўмитаси, Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Инвестиция муассасалари миллий уюшмаси, Марказий банк, Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси Олий бизнес мактаби раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

«Давра суҳбати» қатнашчилари акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув усулини кенг омалаштириш, қимматли қозғалар бозорига маълумотларни жамоатчиликка етказиш, ундаги чеклашларни мувофиқлаштириш ва соҳада муомала механизмининг такомиллаштириш тўғрисида фикр алмашилди.

«Давра суҳбатида» «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги», «Қимматли қозғалар бозорига депозитарлик фаолият тўғрисидаги», «Қимматли қозғалар ва фонд биржаси тўғрисидаги» қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириб бориш мақсадида уларга мунтазам равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ФРАНЦИЯ СЕНАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИННИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буорган Франция Сенати аъзоси Амбруаз Дюлон раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорлари Акмал Саидов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, демократик институтларнинг самарали фаолиятини юретиши учун яратилган шароитлар юзасидан фикр алмашилди.

Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов ҳамда парламентимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан бўлган суҳбатда қонунчилик соҳасида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, парламентлараро ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, ўзаро таърифа алмашиш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш масалалари асосий мавзу бўлди. Томонлар мазкур йўналишлардаги алоқаларни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Франция Сенати делегацияси аъзолари мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎЗА).

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ НИМА?

каби мамлакатлардан 250 дан ортик делегат ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз ва чет эл компаниялари вакиллари иштирок этмоқда. Бу Ўзбекистонда электрон ҳукуматини ривожлантириш ва жорий этиш масалаларига бағишланган биринчи халқаро конференция бўлиб, унда таъкил экспертлар, халқаро

ташкилотлар вакиллари электрон ҳукуматини ривожлантиришга доир жаҳон таърифи ҳамда мавжуд асосий йўналишлар бўйича маърузалари тингланади.

Электрон ҳукуматнинг ўзи нима? Экспертларнинг фикрича, электрон инкилоб жамият ҳаётида тўб ўзгаришларга олиб келиши керак. Аввалига икти-

сослашган компьютер тармоғи бўлган Интернет тез орада асосий ахборот манбаларидан бирига айланди. Ҳозир эса жаҳон ахборот тармоғи аста-секин инсон фаолиятининг барча жаҳаларига кириб бораётганини кўриш мумкин.

Электрон ҳукуматнинг моҳияти ҳукумат фаолиятини Интернетга кўчириш, яъни Интернет ва бошқа ахборот тармоқлари орқали давлат бошқаруви ҳамда фуқаролар билан алоқани ташкил этишдан

(Давоми 2-бетда).

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири А.ИВАНОВА). Мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқлардан бири — жамиятда миллатлараро тотувликнинг сақлаб қолинидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда 100 дан ортик миллат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда ва уларнинг ҳаммаси демократик давлат, кучли рақобатбардош иқтисодийни қуриш мақсади йўлида бирлашган. «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» доимий фаолият кўрсатувчи республика семинарининг навбатдаги мажлисида шу ҳақда сўз юритилди. У Президент Ислол Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги нутқида баён этилган вазифаларни кен ёритиш бўйича тадбирлар дас-

тури доирасида ўтказилди. Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган бу галги мажлис миллатлараро муносабатлар соҳасида ижтимоий тадқиқотларни ривожлантириш масалаларига бағишланган ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Ўзбекистон Миллий университети билан биргаликда ташкил этилди. Унда академик институтлар ва олий ўқув юртрларидан социологлар, тарихчилар, файласуфлар, миллий маданий марказлар, ноҳукумат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.


«Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева мажлисда очар экан, жамиятимизда миллатлараро тотувликнинг

мустаҳкамлини ижтимоий барқарорлик, мамлакат ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида ривожланишининг муҳим омилли эканлигини таъкидлади. Бу соҳада жамоатчилик фикрини ўрганиш республикада тинчлик ва фуқаролар ҳамкорлиги муҳитини сақлаб қолишга қаратилган давлат чораларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мажлис қатнашчилари бу долзарб мавзу кенг тадқиқотлар олиб бориш, янги, янада аниқроқ ижтимоий услубларни яратиш талаб этишини қайд этишди. Муҳокама натижаларига қўра, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ўрганиш соҳасида олимлар ва мутахассислар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Шерободда қачон пахта кўпаяди?



Шеробод — Сурхондарёнинг қишлоқ ҳўжалигига иқтисослашган йирик туманларидан бири. 33526 гектар сугориладиган ери бори. Ишга яроқли аҳолисининг аксарият қисми деҳқончилик билан банд.

Қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликка 16 ярим минг гектар ер ажратилган. Шунча майдондан бултўр 33991 тонна пахта етиштирилди. Бу шартнома режасида белгиланганидан 9468 тонна кам (80 фоиз). 300 тага яқин пахта етиштирувчи ҳўжалик субъектидан 120 таси шартнома режасини уздалай олмади.

Режадан қарздорликка, табиийки, бошқа қарзлар ҳам улашиб кетади. Мана, ўзингиз кўринг: «Искандар» фермер ҳўжалиги 20 гектар ерга чигит экиб, 41 тонна пахта сотиш бўйича «Шерободпахта» ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиб, ундан икки миллион сўмга яқин қарз кўтариб, ёниги, ўғит харид қилган. Кузга келиб, унинг даласида чикқан пахта ҳосили 1600 килограммдан ошмади.

«Умид-3», «Илҳом», «Сардор»,

«Алишер» «Прях бобо», «Жўрабой султон»га ўхшаган ва шартнома режасини ўн фоизга ҳам етказмай, қарз гирдобига қолиб кетган фермерларнинг ўзи бирта-лай.

Туманда яна бир антика тоифадаги фермерлар бор эканки, улар шартномани тузиб ва қарз-қавола кўтариб, нарёйига ишлаган бўлиши мумкин. Масалан, «Йулдошев Норхон» фермер ҳўжалиги кўп эмас, 6 гектар ерга чигит экаман, деб пахта заводидан уру-

лик, 115 минг сўм транш пули олибди. Лекин бир чангал ҳам пахта сотмабди. Бугун бўлса, завод 207 минг сўм қарзини қайтар, деб фермер ҳўжалигининг икки оёғини бир этikka солиб турибди.

«Шотўра» фермер ҳўжалигининг заводдан қарзи бўлса салмоқлигини — 2 миллион сўмдан кўпроқ. Бу фермер ҳўжалигининг ҳам ишқали шу — тайёр пулни чўнтакка ургани, уни қайтариш тадоригини кўрмагани.

Хўш, нега шундай бўлди? Фермерларнинг жавоблари бир хил: ер шўрлаб кетган. Айниқса, бултўргги баҳорнинг серёғини келганидан ўта шўр ерларга июнь ойига қадар трактор киритишининг имкони бўлмаган.

— Шўр ернинг қори ҳам, ёмғири ҳам шўр бўлди, — дейишди фермерлар. — Чигитни чиритиб юборамиз. Дренажларимиз, зовурларимиз ишламаса...

(Давоми 2-бетда).

ТАШВИШГА ЎРИН ЙЎҚ

Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, мамлакатимизга қўшни айрим давлатлар худудида ўлат касаллиги учраган, ҳатто ана шу дардан вафот этганлар ҳам мавжуд. Теваракимизда пайдо бўлган бу хавфли касаллик мамлакатимизни худудида, аҳоли соғлиғига таҳдид солмаётими?

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси соғлиғини сақлаш вазирининг ўринбосари, республика бош давлат санитария врач Бахтиёр НИЁЗМАТОВ билан шулар ҳақида суҳбатлашди.

Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, ҳозирги пайтда Қозғистон Республикасининг Шимолий Қозғистон вилоятида ўлат касаллиги тарқалгани қайд этилган, — деди Б.Ниязатов. — Ҳозир касалланганларнинг сони тўрт нафар бўлиб, улардан бири вафот этган. Қозғистонлик тиббиёт ходимларининг расмий маълумотларига қўра, ушбу республиканинг 40 физ-

салликнинг манбаи, уни тарқатувчи саналади. Айни пайтда Хитой, Мўғлистон, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон худудларида бурга, кана ва кемирувчилар орасида ўлат касаллигининг эпизодияси давом этмоқда.

Қозғистон, Мўғлистон, Хитой, АҚШ, шунингдек, Африка мамлакатларида ўтган давр мубайнида юздан ортик ҳолатда одамларнинг ўлат билан касалланиши қайд этилган бўлиб, шулардан 13 бемор вафот этган.

Мамлакатимизга қўшни давлатларнинг чул худудларида кемирувчи ва ёввойи ҳайвонлар орасида ўлат касаллигининг эпизодияси давом этаётганига

(Давоми 2-бетда).

ДИҚҚАТ АУКЦИОН! ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «РОУТАХТ АУКЦИОН»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2004 ЙИЛНИНГ 22, 24, 29 ИЮНЬ, 1, 3, 8, 11, 15, 18, 22, 25, 29 ИЮЛЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Паркент» кўчаси, 74-уйда жойлашган «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида янги қуриладиган куйидаги турдаги турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи қўйилади.

Савдога чиқарилган объектлар сони	Қурилиш мўлжалланган мажмуа тури	Объектнинг сатҳи (кв.м.)	Бошланғич нархи, сўм
1 та	Ноозиқ-овқат буюмлари дўкони	9 (3x3)	2 000 000
4 та	Қурилиш ашёлари дўкони	36 (6x6)	3 500 000
100 та	Лак ва бўёқ дўкони	9 (3x3)	2 000 000

Турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқини қўлга киритган савдо ғолибларига куйидаги мажбуриятлар юкланади:
 - аукцион савдолари ўтказилган кун савдо натижаси туғрисидаги яқуний баённомани ва 10 (ун) кун муддат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш;
 - савдо объекти қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;

Бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида ер участкаси ижараси ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5 фоизи миқдоридаги закалат пулини «РОУТАХТ АУКЦИОН» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойлашмағарма-банк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16-«а» уй манзилида жойлашган Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносидан ўтказилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун олгари соат 18.00 га тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моварауннаҳр» кўчаси, 16-«А» уй, 204-хона.

Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.



Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўба ҳўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, «Янги Сергели» кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган, куйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:

- ⇒ кийим-кечак ва пойабзал моллари;
- ⇒ газламалар;
- ⇒ канцелярия моллари;
- ⇒ электр ва ҳўжалик моллари;
- ⇒ маиший кимё тозалаш моллари;
- ⇒ озик-овқат маҳсулотлари;
- ⇒ «DAEWOO» автоэҳтиёт қисмлари;
- ⇒ автоулов аксессуарлари;
- ⇒ чет эл автоулов эҳтиёт қисмлари;
- ⇒ «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» автоэҳтиёт қисмлари;
- ⇒ авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
- ⇒ автошина ва гилдираклар.

Ҳар бир савдо дўконининг бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.

Ҳамда куйидаги объектлар:

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси.

Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38-«А» уйда жойлашган «O'zdavlatla'limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм.

«Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган куйидаги дастгоҳлар:
 - СМЖ-357 дастгоҳи.

Бошланғич нархи — 1 400 221 сўм.

- 1Г 340 П — токарлик-револьвер дастгоҳи.

Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Жанубий саноат» ҳудуди КПД-5 ёнида жойлашган "Промстройиндустрия" ОАЖнинг қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси, Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази" МЧЖ биржа савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

ШУНИНГДЕК, "ПАРКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ" ОАЖ ҲУДУДИДАГИ ТУРҒУН САВДО ДЎКОНЛАРИ ҚУРИШ ҲУҚУҚЛАРИ 2004 ЙИЛ 19 МАЙДАН БОШЛАБ "ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ" МЧЖ БИРЖА САВДОЛАРИДАН ОЛИНИБ, "ПОЙТАХТ-АУКЦИОН" ДУК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунидан соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача Тошкент шаҳар муниципал биржа марказида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Моварауннаҳр» кўчаси, 16-«А» уй.
 Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.
 Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz.

UZDUNROBITA first cellular

Энг кўнг хизмат доираси

WAP

Халқаро роуминг

X-PRESS тўлов

SMS

Мобил пейжинг

Халқаро SMS

Маълумот юбориш

Овозли почта

Уяли алоқадан **100 фоиз фойдаланинг**

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган

«КОДИРХЎЖА ЎГИЛЛАРИ» МЧЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.

50 800 сўм

59 000 сўм

45 000 сўм

56 000 сўм

Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

«ЎЗЛОТТО» лотереяси 23-тиражнинг ҳисоботи

«Multibet» қўшма корхонаси агентро таъминот қилинмасидики нозовиллар тўғрисида 2004 йилнинг 22 май кунини ўтказилиши лозим бўлган 23-тиражнинг «ЎзТВ1» канали орқали 24 май соат 18.10га қолдирилганини учун зар сўрайди. «Multibet» қўшма корхонаси он-лайн лотереясининг келгуси тиражларини ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун барча чоралар қуришни маълум қилади.

18 майдан (ишчиба) 21 майгача (куеча) сотиб олинган чипталар уйини 23 тиражди ўтказилди. 24-тираж олдатилгидек, шанба кунини 2004 йилнинг 29 май кунини соат 19.15 да «ЎзТВ1» канали орқали ўтказилди.

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли «OzLoto 6/40» телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қондалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 31 20 32 29 9 17

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 24 май

Ўйналган ютуқлар:	Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуқи
8 та тўғри топилган сон учун	100 000 000	0	0	0
5 та тўғри топилган сон учун	1 269 050	0	0	0
4 та тўғри топилган сон учун	291 850	37	7 887	
3 та тўғри топилган сон учун	1 021 475	391	2 612	

Ўйналмаган совинлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўйилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 29 май кунини ўтказилади.

Кейинги тиражнинг **ЖЕК-ПОТ** суммаси: **100 000 000 сўм**

Тўқин ҳаёт сари!

Ташкент: «Низомий» йули, 24 тел. 136-70-69

ESENYA ҚУРИЛИШ-ИНЖЕНЕРИНИНГ ФИРМАСИ

БОЛАЛАРГА МЕХР БИЛАН

ESENYA Bau- und Handelsinvestition GmbH Traunreut - Deutschland

НОГИРОН БОЛАЛАР УЧУН ЎЙИН МАЖМУАЛАРИ

Барчага маълумки, ҳаётда содир бўладиган айрим фалокатли ҳодисалар сабабли ногирон бўлиб қолган болалар ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш қувончидан маҳрум бўладилар. Бу ҳолатлар уларнинг характерлари тобланишига, дунёқарашлари шаклланишига, атроф-муҳитга бўлган муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Бундай болаларда норасолик жиҳатлари шаклланади. Бизнинг вазифамиз — боланинг ушбу камчиликлари енгиб ўтишига ёрдам бериш.

Шунинг учун мутахассислар билан ҳамкорликда ногирон болалар учун болалар мажмуалари, ўйин тизимлари ишлаб чиқарилган бўлиб, улар бунда ўзларининг заифликларини эсдан чиқарадилар, соғлом болалар билан ўйин жараёнига жалб этиладилар.

Болалар руҳияти таъсирчан бўлганлиги сабабли улар тезда ўзларидики нўсонларни ва нуқулайликни эсдан чиқарадилар.

Болалар юзидаги табассумни қўриб, меҳнатимиз зое кетмаётганлиги ва кимларгадир шодлик келтираётганлигини қониқтириш билан ҳис этамиз.

Ногирон болаларга мўлжалланган соғломлаштириш мажмуалари ва ўйин тизимларини ишлаб чиқарган фирмамиз 2002 йилнинг декабрь ойида Брюссель шаҳрида ўтказилган «ЕВРОМАРКЕТ-2002» танловда лауреат бўлди.

Бош менежер Шавели Матвеев.

700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
 Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАРУРИЯТИ ТУФАЙАН

Давлат алоқа инспекциясини

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Давлат алоқа инспекцияси харид қилишни режалаштирган воситалар:

- ⇒ КОМПЬЮТЕРЛАР — 24 ДОНА;
- ⇒ ПРИНТЕРЛАР — 3 ДОНА;
- ⇒ СКАНЕРЛАР — 17 ДОНА;
- ⇒ КОНЦЕНТРАТОРЛАР (HUB) — 17 ДОНА;
- ⇒ ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР.

Танловда қатнашиш учун компьютер ва оргтехникаларни ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган фирма ва компаниялар таклиф этилади.

Мазкур танлов юзасидан маълумотларни куйидаги манзил бўйича Давлат алоқа инспекциясидан олишингиз мумкин: 700000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, 431-хона, тел. 132-26-24 ёки

Давлат алоқа инспекциясининг WWW.GIS.UZ веб-сайтининг "E'lonlar" sahifаси.

UZDUNROBITA GSM

ХУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАРИ

"Ўздунробита" компанияси Тошкент шаҳрида "Ўздунробита GSM" тармоғини кенгайтириш бўйича катта ишлар олиб борапти, бутун шаҳар бўйлаб компаниянинг янги қўшимча база станциялари ўрнатиляпти ва ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Олиб борилаётган ишлар муносабати билан шаҳарнинг баъзи қисмларида тармоқда вақтинча носозликлар бўлиши мумкин, бунинг учун сиздан олдиндан уэр сўраймиз.

Ҳамкорлигингиз учун раҳмат.

"Ўздунробита" компанияси маъмурияти.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВУ-300, ВУ-304-2 русумли тракторлар корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга!

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ

сизларнинг истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.

Куйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага кўйилган техника воситаларидан сизга маъқул бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишда ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.

Хисоб-китоб тушуриш шаклида

Дилерлик марказларимиз куйидаги манзилларда жойлашган:

№	Манзил	Дилерлик марказлари номи	Директорлар исми-шарифи	Телефонлари
I. Қашқадарё вилояти				
1.	731101, Косон шаҳри, Й.Охунбоев кўчаси, 55-уй.	ТТЗ «Косон-сервис»	Тураев Ш.С., бош ҳисобчи.	код 37559, 32262, 32697
2.	731306, Ҳузур шаҳри, «Пахтазор» маҳалласи.	ТТЗ — ММТП Ҳузур	Зарипов Соат-мурод Малеевич	код 37555, 22234, 21397
II. Сурхондарё вилояти				
3.	733000, Денов шаҳри, Остонакулов кўчаси, 107-уй.	ТТЗ «Сурхондарё-сервис»	Чориев Абдусалом Гаффорович.	код 37641 24601, факс: 21626
4.	733606, Саросиё шаҳри, Улғубек кўчаси, 110-уй.	ММТП «Саросиё»	Эшонкулов Тухтасин.	код 37641, 31868
5.	733414, Олтинсой тумани, Корлуқ кўрғони, Охунбоев кўчаси, 24-уй.	ММТП «Олтинсой»	Хусанов Абдураҳмон.	код 37647 51778, уй: 51578
6.	Ангор тумани, «Талимарон» хўжалиги, 1-бўлим, «Қорасу» маҳалласи.	ММТП «Ангор»	Шауманов Тўра Шойманович.	код 37631, 22047
III. Хоразм вилояти				
7.	741600, Хонқа шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй.	Хоразм техника маркази	Юсупов Маматсалой, Қаландаров Қадам.	код 36239, 91932, 92609 уяли: 1545062
8.	740006, Хонқа тумани, У.Юсупов кўчаси.	Янгибозор		
IV. Жиззах вилояти				
9.	708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй.	Жиззах техника маркази	Жўраев Холмурод	код 37222, 31821, 31526
V. Фарғона вилояти				
10.	713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи.	Фарғона техника маркази	Раҳмонов Маҳмуд Холматович	код 3732, 255733
VI. Наманган вилояти				
11.	716003, Наманган шаҳри, «Шимолий саноат зонаси», Поляковский к., 19-уй.	Наманган вилояти техника маркази	Зиятов З.С.	код 36922, 40764
VII. Қорақалпоғистон Республикаси				
12.	743700, Тўртқўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй.	Қорақалпоғистон техника маркази	Мадраимов Илхомбой Давлатович	код 361 5323293, 2214975, 2211200

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом» нинг 49-бандига асосан, «ОРО» хусусий фирмасига маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуришга 2002 йил 26 августда берилган АА серия, 0000058 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2004 йил 10 майдан тўхтатилади.

ЮҚОРИДА КўРСАТИЛГАН НИЗОМНИНГ 23 ВА 52-БАНДЛАРИГА АСОСАН, ҚУЙИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ:

- ⇒ «XALQARO KURASH AKADEMIYASI INNOVATSIYA MARKAZI» унитар корхонасининг маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга;
- ⇒ Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга;
- ⇒ «TS-TECHNOLOGY» қўшма корхонасининг маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуришга;
- ⇒ яқка тартибдаги тадбиркор Маликов Шухрат Амилбековичнинг ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга;
- ⇒ яқка тартибдаги тадбиркор Мирджалалов Мирзоқир Мирджалиловичнинг ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга.

ЎЗБЕКИСТОН - КИПР ҚўШМА КОРХОНАСИ

MEKSKORT INDUSTRIES

Тошкентда ишлаб чиқариб ва ояморхонасидан чакана ва улгуржи нархларда

ЭЖКА2DII русумли оқ тунуқадан, олий сифатли «БЕКАЖОН» шиша банкаларни консервалаш учун ҚОПҚОҚЛАРНИ СОТАДИ.

Оддий ва литографияли, икки-мартаба лак қопламали.

Тўлов шакли — турли усулда. Қопқоқларнинг сақланиш муддати — 2 йил.

Тел.: 136-00-33, факс: 136-12-21.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мовароуннахр» кўчаси, 19-уй.

Товар сертификатланган

Ишлаб чиқарувчи ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

газетанинг 2004 йил 18 март 54-сонда танлов савдоси (тендер) ўтказилиши бўйича чоп этилган эълонга қўшимча қилиб танлов савдоси предметининг ҳажми ва ўтказилиш муддати ўзгарганини эълон қилади:

Материал номи	Сортамент, ГОСТ	Пўлат қалинлиги (мм)	Пўлат ўлчам	Вази (тонна)
Пўлат (швеллер)	6=10, 66=8 ва бошқа материаллар ВСТ 3, ПС4	ҳар хил	24, 16, 12	39
Пўлат (сталь толстостеновая)	Пўлат 09Г2С ГОСТ 19282-73	18	2000x7600 мм	833
Пўлат (сталь толстостеновая)	Пўлат 09Г2С ГОСТ 19282-73	20	2000x7600 мм	735
Пўлат (сталь толстостеновая)	Пўлат 09Г2С ГОСТ 19282-73	16		96
Жами				1703,0

Ҳар бир маҳсулот узул мувофиқлик, сертификат ва ишлаб чиқарувчи корхонага сертификат бўйича алоқачи хати бўлиши талаб қилинади. **Бюроғламчи** — Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириятининг 9-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси. **Телефонлар:** (8-3692) 26-46-44, 26-30-18. Маҳсулотни сотиб олиш бюротламчига аэроқўғалма давлат инвестиция маблағлари қисбидан моляриштирилади.

Ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига 2004 йил 29 майгача куйидаги манзилга:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кун ва соати. Таклифлар очилиши 2004 йил 31 май кун соат 15.00 да куйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 3-қават).

Корхона қурилиш молларини таклиф этади

Линолеум Россия, эни 1,5 м., 2 м.

Гулқоғоз (ОБОИ) Россия, Беларусь, ҳар хил қўриқинишларда

Ламинат Германия НDM корхонасида ишлаб чиқарилган

ва бошқа қурилиш материаллари.

ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76, (3732) 24-82-00, 24-92-74.

Маҳсулот сертификатланган.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Корхона шина маҳсулотларини таклиф этади

ШИНА

ЮК МАШИНАЛАР УЧУН АВТОБУСЛАР УЧУН ТРАКТОРЛАР УЧУН ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН

Улгуржи нархларда.

ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 137-10-14, 137-47-78, 137-47-31, (3732), 24-77-84, 24-71-68.

Маҳсулот сертификатланган.

S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES Ltd компанияси

Тошкентдаги улгуржи ояморхонасидан куйидаги маҳсулотларни таклиф этади:

етақчи ишлаб чиқарувчилардан ичимликлар, музқаймоқ, қандолатчилик маҳсулотлари учун озиқ-овқат ингредентлари:

шарар ўрнини босувчи моддалар (аспартам, сахарин), ширин қилувчи моддалар (ширинлик коэффициенти 150, 200), хид-таъм берувчи моддалар (ичимликлар, музқаймоқ, қандолат маҳсулотлари учун), бўёқлар (қизил, яшил, индиго-кўк, бриллиант, сансет, қола), функционал қўшимчалар (натрий бензоат, аскорбин кислотаси, сөрбин кислотаси).

Алкоголизи ва алкоғолли (спиртли) ичимликларни куйиш учун етақчи Италия компанияларининг усқуналари. Бизнинг барча маҳсулотларимиз Соғлиқни сақлаш вазириятининг томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида истеъмол қилинишига расман рухсат этилган гигиеник сертификат ва мувофиқлик сертификати эга.

Қалбқилиштирилган озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланишдан эҳтиёт бўлинг.

Тўловлар исталган шаклда амалга оширилади.

Телефон 173-53-66, Тел./факс: 173-53-57, e-mail: siftech@sarkor.uz

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

«Ўздаврхитектқурилиш» қўмитасининг

ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

танлов савдолари ўтказилишининг эълон қилади.

Термиз шаҳри, Р.Узоқова, 92-уйда жойлашган юқумли касалликлар шифохонасини тўлиқ қайта таъмирлаш.

Бошланғич нархи — 60 млн. сўм. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 50 кун. Ишнинг қурилиш ишларини моляриштириш маҳаллий маблаглар қисбидан аниқлаш оширилади. **Бюроғламчи** — Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазириятининг Сурхондарё вилояти А.Лаврентьев номидаги юқумли касалликлар шифохонаси.

Манзил: Термиз шаҳри, Р.Узоқова кўчаси, 92-уй. **Телефон:** 6-10-99.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар куйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблагларга эки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк қафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаврхитектқурилиш» қўмитасининг қурилиш қўмитасидан танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, М.Қаҳор кўчаси, 14-уй. Тел./факс: (8-37622) 2-75-01, 2-75-04.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очилиш кун ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади. Термиз шаҳри, Р.Узоқова кўчаси, 92-уй.

ESENYA

КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИХАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:

- ✓ БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- ✓ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- ✓ БАССЕЙНЛАР;
- ✓ АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа бог жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

Манзил: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Қаҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

ESENYA

Bau- und Handellvestition GmbH

TRAUFRUB - Deutschland

ООО АТТРАКЦИОН CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕХР БИЛАН

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!

«Даврхитектқурилиш» қўмитасига қарашли

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

танлов савдоси эълон қилади.

8-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси бюротмачилигида

Туркменистон Республикаси, Амударё чап қирғоғида жойлашган «Қизил оёк» кўрғони худудидидаги ўраб турувчи дамбалар қурилиши.

Бюротмачи манзили: Қарши шаҳри, «Чапқирғок» кўчаси, 3-уй. **Телефон:** 226-12-40.

Қурилиш ишларини моляриштириш ҲЭС томонидан ишлаб чиқарилган электр қувватини сотиб олиш бўйича амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари куйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоизи миқдориди айланма маблагга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) эки ушбу маблагларни тақдим қилишига банк қафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 51-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кун ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин танлов маркази биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 51-уй.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

